



MILLIY TIKLANISH

49 (162) 2011 йил 14 декабрь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

"Меҳр нури"нинг яна бир тўхфаси

Инсон ҳаёти, саломатлиги ҳамма нарсадан азиз ва қадрлидир. Халқ ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда эл соғлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола саломатлиги, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Етук ва малакали мутахассислар

Бугунги кунда Самарқанд қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида 95 нафар муҳандис-педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 1 нафари фан доктори, 3 нафари фан номзоди, 2 нафари доцент ҳамда 13 нафари олий тоифали ўқитувчилардан иборат.



Қишда ҳам қуёшни топиш мумкин

Унинг ишлари Фонд Форум Миллий санъат маркази, Ўзбекистон Куролли Кучлари музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Бадий академиянинг марказий кўрғазмалар зали, Иқо Хирояма номидаги Халқаро маданият қарвонсаройи, "Навқирон Ўзбекистон" аънавий ва замонавий санъат фестивали доирасида ҳам намойиш этилган.



4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГҮ

ЖАРАЁН



Миллий туризм истиқболлари

Мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантиришнинг, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашишни партия маънавий соҳадаги энг долзарб вазифа деб ҳисоблайди.

ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасидан

Бугунги кунда туризм — барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. У аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради. Шу боис, Ўзбекистонда туристик салоҳиятдан имкон борича самарали фойдаланишга йўналтирилган чоратadbirlar амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда туризм сервиси йилдан-йилга тубдан

яхшиланиб, янги сайёҳлик йўналишлари очилганлиги, транспорт коммуникациялари қайта таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Тошкент-Самарқанд қатновида йўлга қўйилган замонавий «Afrosiyob» электропоезди юқори тезликда ҳаракатланиб, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Туризм инфратузилмаси — замонавий меҳмонхоналар, халқаро стандартларга жавоб берадиган меҳмонхона сервиси, туристик хизматларнинг тобора кенгайиб бораётгани соҳанинг жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

5-бет

ЎзМТДП ҲАЁТИ

Ижроия Қўмита йиғилиши

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг наъбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Мазкур маъруза юзасидан барча даражадаги партия ташкилотлари ўз иш режаларини ишлаб чиқиш, жойларда ўтказилаётган оммавий сиёсий тадбирларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиши лозим, деди йиғилишни бошқарган партия раҳбари А. Турсунов. Ху-

сусан, 2012 йил мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан партиянинг бу борадаги фаолият дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Ижроия Қўмита йиғилишида ишчи гуруҳи жойлардаги барча партия ташкилотларидан так-

лифларни йиғиши, партия дастури ва сайловолди Платформасидан келиб чиқиб бир қатор йирик лойиҳаларни, оммавий сиёсий тадбирлар, конференция ва давра суҳбатлар режасини тайёрлаш белгиланди. Айниқса, ЎзМТДПнинг 2012 йилдаги иш режасида "Мустаҳкам оила йили" бўйича давлатимиз раҳбари ўз маърузасида илгари сурган ғоя ва вазифалар акс этиши алоҳида таъкидланди.

Ижроия Қўмита йиғилишида партия фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ХАБАРЛАР

Микромолиялаш ривожини йўлида

Тошкентда муваффақиятли микромолиялаш калити: маҳсулот диверсификациясини бошқариш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Сурхондарё, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти банклари ҳамда бошқа микромолиялаш ташкилотларининг мутахассислари иштирок этди. Тадбирда жаҳондаги турли микромолиялаш усуллари ва тажрибалари асосида тузилган 700 саҳифадан иборат рус тилидаги китоб ўқувчиларга тақдим этилди. Ушбу китобда менежерлар учун ташкилот фаолиятини яхшилашда яқиндан ёрдам берадиган зарур манба ва ускуналар ҳақида тўлиқ маълумот келтирилган.

Ёш музикачиларга тўхфа

Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейига 24 дона пианино келтирилди.

Чехиянинг PETROF компанияси республикамиздаги музика мактабларига пианино ва рояллар етказиб берувчи ҳамкорлардан бири ҳисобланади. Роял ва пианино ишлаб чиқариш бўйича Европадаги энг йирик компаниялардан бири бўлган PETROF ўз маҳсулотларини Ўзбекистонга Kalogata савдо фирмаси орқали етказиб бермоқда. Глиэр лицейига тақдим этилган Weinbach пианинолари компанияда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли музика асбоблари туркумига кирди.

Давра суҳбати

Пойтахтимизда вояга етмаганлар ўртасида одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Халқ таълими вазирликлари мутаасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган давра суҳбатида одам савдосига қарши курашиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, вояга етмаганлар орасида одам савдоси муаммоси, айниқса, ёшларнинг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

2012 ЙИЛ — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»



Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳаммиса келажагини ўйлаб, эзгу-орзу ва интилишлар билан яшайди.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

Мустаҳкам оила

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Президент Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» деб номланган маърузасини барча юртдошларимиз, жумладан, ЎзМТДП аъзолари ҳам катта эътибор билан қарши олдилар. Қуйида уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан танишасиз.

2-бет

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Ҳуқуқий модернизация қилишнинг дастурий ҳужжати

Бу йил юртимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини кенг миқёсда нишонладик. Утган давр Ўзбекистон давлатчилиги тарихида кенг қамровли ислохотлар, демократик янгиланишлар, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий-ижтимоий тараққиёти билан аҳамиятлидир. Хусусан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳануз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охириги беш йил давомида ўрта-

ча 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги қўлга келтирилган иқтисодий-тимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганидан далолатдир.

2-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЮЗМА-ЮЗ

Электорат манфаати

УСТУВОР ВАЗИФАМИЗГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонуни устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номи маърузаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви-ни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш борасидаги ишларни янги bosқичга кўтарди. Концепцияда илгари сурилган қатор гоаялар ва қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг жамият ҳаёти ҳамда қарорлар қабул қилишдаги ўрни ва ролини оширди.

лозим. Модомки шундай экан, Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз шарт. Баҳс-мунозараларга бой бўлган учрашувларда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

15-Ҳўжабод сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қ.Одиллов Буюқбўши туманида бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашувида тумандаги ташкилот раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва маслаҳатчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек оиласининг мустақил тараққиёт йўлининг 20 йиллигига эришилган натижалар, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарининг аҳамияти, шунингдек, Концепциянинг мамлакат қонунчилиги ривожига кўшаётган хиссаси, Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги “Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” мавзусидаги маърузасининг моҳияти ҳамда

Қонунчилик палатаси депутатларининг қонуни ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари бўйича ишлаб чиқилган давлат асосида олиб бораётган дастур ишлари тўғрисида маълумот берди. Шу билан бирга фуқароларнинг тақлиф, тавсия, мурожаат, шикоят, ариза ва тақлифлари умумлаштирилиб, депутат сўрови сифатида тегишли органларга тақдим қилинди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Зиёнинг Бектемир туманида

бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашуви “Депутат — халқ вакили” деб номланди. Унда асосий эътибор ҳудудий масалалар, амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, сайловчилар, партия электорати ва хайрихоҳлари манфаатларига қаратилди. Шунингдек, йиғилишда сўз олганлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган маросимда Юртбошимиз томонидан 2012 йилни “Мустақам оила йили” деб эълон қилингани, аввало, узок йиллар давомида шаклландан ўзбек оиласи миллий қадрият сифатида бугун ҳам жамиятнинг муҳим таянчига айланганини эътироф этдилар.

— Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек оиласининг мустақам бўлиши, аввало, мамлакат тинчлиги ва барқарорлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Зиё. — Дарҳақиқат, 2012 йилнинг “Мустақам оила йили” деб эълон қилиниши замирида юксак мақсадлар мужассам. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохот, янгиланиш ва ўзгаришлар, аввало, инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ҳар биримиз ўз мажбурият ва бурчларимизни тўғри англаган ҳолда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бекамуюқ етказишга ўз хиссамизни қўшишимиз лозим.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олтиной Эсонованин сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Мирзабод туманида ўтказилди. Унда ЎзМТДП Сирдарё вилоят ва туман Кенгашлари девони ходимлари, ЎзМТДПдан сайланган вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, тумандаги



идора ва ташкилотлар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, оилавий тадбиркорлар, хунармандлар ва ёшлар иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларга алоҳида эътибор қаратдилар. Шундан сўнг депутат Қонунчилик палатасида амалга оширилаётган ишлар ва қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти, уларни мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровон турмуш тарзини таъминлашдаги аҳамияти, хусусан, оилавий хунармандчилик ва халқ амалии санъатини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар хусусида тўхталди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ж.Отажоновнинг Иштихон туманида ўтган учрашуви “Депутат ва ёшлар” деб номланди. Унда сўзга чиққан нотиқ юртимизда ёшларга яратилаётган кенг имконият қула-шароитлар, бу борада партия ва ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари ва амалдаги қонунлар мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бундай учрашувлар

аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада оширишга хизмат қилади, — деди Иштихон туман ҳокими Ш.Неғматов.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 33-Пахтакор сайлов округидан сайланган депутат А.Маматов Пахтакор ва Зафаробод туманларидаги сайловчилар билан учрашди. Мулоқотлар чоғида депутат юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилгани, тезкор ҳаёт оқими ва глобаллашув жараёни олдимизга янги мақсад ва вазифаларни қўйётганига эътибор қаратди. Жумладан, депутат партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик, касана-чиликни ривожлантириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотларини рекламанинг турли усулларида фойдаланган ҳолда сотиш ҳамда экспорт қилишга кўмаклашиш борасида тўхталди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси М.Ражабовнинг сайловчилар билан учрашуви Когон туманида бўлиб ўтди. Депутат ўз сўзида қонунларимизнинг жамиятдаги ўрни, аҳамияти, ҳуқуқий ва сиёсий жараёнлардаги юксак мақо-

ми ҳақида тўхталди. Шунингдек, М.Ражабов Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сўнги 2 йил ичида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

ЎзМТДПдан 41-Тошбулоқ сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш.Дехқонов сайловчилар билан учрашувларида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” номи маърузасида белгиланган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунириш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар онгига синдириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларни иш билан таъминлаш, аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада юксалтириш ҳамда янги корхоналар очиш эвазига янги иш ўринлари ташкил этиш каби бир қатор масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирдилар.

Эргаш Хўжаев, “Milliy tiklanish” мухбири

● МУЛОҚОТ

Концепция

МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ СИФАТ ЖИХАТДА ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРАДИ, - ДЕЙДИ ЎзМТДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОЯ КўМИТАСИ РАИСИ ҒАЙРАТ ҚОДИРОВ



— Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар муҳим роль ўйнаб, уларнинг юзасидан ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши қандай ишларни амалга оширмоқда? — Дарҳақиқат, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгилаш, жамиятни демократлаштириш

бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг жорий этилиши ва тақомиллашиб бораётгани, демократик жараёнларни янги поғонага кўтарди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида ургу берилган. Маълумки, Концепцияга мувофиқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98 моддаларига)”ги Қонун партияларнинг парламент назорати имкониятларини кенгайтириб, янада тақомиллаштириш учун муҳим омил бўлди. Ҳуқуқий тизимдаги бу каби ислохотлар, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция мамлакатимизни тараққиёт сари етакловчи гоаяларни ўз мақсадлари билан уйғун кўрувчи ижодкор зиёлиларни, маориф ва маданият соҳаси ходимларини ва бошқа қатлам вакил-

ларини миллий гоаяга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содик, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган, Ўзбекистон деган да гурур-ифтихор туядиган, унинг равнақи йўлида бор салоҳиятини ишга солишга тайёр фидойиларни ўз сафларига жамлаган партияимиз аъзоларидан янада фаол бўлишни талаб этади.

ЎзМТДПнинг асосий мақсадлари сирасига фуқароларимизда миллий ўзликини англаш, миллий гурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустақамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларни халқимизнинг миллий қадрият, урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш каби масалалар кирди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг ўтган даври мобайлида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши томонидан мафқуравий, ташкилий-партиявий, ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш йўналишларида қатор ташаббуслар амалга оширилди. Хусусан, ҳар йили вилоятимизнинг битта туманида “Халқ ўйинлари” фестивали ўтказамиз. Бу фестивал жорий йилда Фориш ту-

манида уюштирилди. Ёзининг илк ойда бўлиб ўтган тадбир партия вилоят Кенгаши, Фориш туман ҳокимлиги, ҳудуддаги ўқув муассасалари ҳамда спорт ва маданият йўналишида фаолият олиб бораётган ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди. Мазкур фестивал олис ўтмишдан авлодларга мерос бўлиб келаётган халқ ўйинларининг вилоятда оммалашуви, унутилганларининг тикланиши, улар юзасидан ўрганиш ва янгилаштириш олиб борилишида муҳим омиллардан бири вазифасини ўтамоқда. Мутахассислар таъкидига кўра, миллий ўйинларимиз улғайиб келаётган авлоднинг соғлом ўсиши, жисмонан чиниқиши, уларда ирода ва матонатнинг шаклланиши учун хизмат қилади. Қолаверса, баъзи ўйинлар айнан бирор касалликнинг олдини олиш ёки даволаш хусусиятига эгаллиги билан аҳамиятлидир. Келаси йил “Миллий ўйинлар” фестивалига Зомин тумани мезбонлик қилиши режалаштирилган. Ўрни келганда айтиш жоизки, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия кўмитаси вакиллари ушбу фестивалга қизиқиш билдиришди. Тез орада Қорақалпоғистонда ҳам мазкур фестивал аъна тусини олса ажаб-

мас. Асосийси, бу тадбир билан партияимиз мақсад ва гоаяларидан келиб чиқиб, ёшлар қалбида миллий қадриятларимизга муҳаббат уйғотишга интилашимиз.

— ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан йил дастури ҳамда Концепцияда белгиланган вазифалар асосида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталсангиз.

— Партияимизнинг шаҳар ва туман Кенгашлари, қолаверса, мавжуд 203 та бошланғич партия ташкилотлари томонидан мазкур дастурий ҳужжатда белгиланган устувор йўналишлар юзасидан 200 дан зиёд давра суҳбати, семинар ва йиғилишлар ташкил этилди. Жумладан, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг янги bosқичи”, “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш истиқболлари”, “Хусусий сектор — иқтисодиёт таянчи”, “Оммавий ахборот воситаларини ислох қилиш-долзарб вазифа”, “Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари: инсон манфаати ҳар недан устун”, “Фуқаролик жамияти институтларининг жамият тараққиётидаги аҳамияти” каби мавзуларда ташкил этилган тадбирлар орқали аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга, Концепция мазмун-моҳиятини оммага етказишга ҳаракат қилдик.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида тадбиркорликни йўлга қўйишга қарар қилинган 80 дан ортиқ семинарлар уюштирилди. Тадбирларга касаначилар, оилавий бизнес вакиллари, вилоятдаги молиявий муассасалар, кредит

уюшмалари ҳамда фаолият аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари тақлиф этилиб, иштирокчиларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бизнес лойиҳалар тайёрлаш, кредит олиш тартиб ва шартларига доир қонун ҳужжатларининг моҳияти, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий секторни ривожлантириш борасида белгиланаётган чора-тадбирлар юзасидан маълумотлар берилди. Бундан ташқари Пахтакор туманида партияимиз вакиллари ташаббуси билан тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида “Ишонч телефони” хизмати ташкил этилди.

— Партиянинг дастурий мақсад-гоаялари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан туман ва шаҳар партия Кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ва БПТ фаолиятига ҳам назар солсангиз.

— Маълумки, ҳар қандай сиёсий куч, сиёсий партия ўз ҳаракатлари, интилишлари марказига электорат манфаатини қўя олмаса, ўша мақсад ва ҳаракатларидан аҳолининг барча қатламларини хабардор эта олмаса ютқазини тайин. Шу маънода, депутатларимиз партия сайловолди Платформаси ва дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилишяпти. Бу йўналишда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури доирасида амалга оширилган турли лойиҳалар ижросига ўз хиссаларини қўшишди. Хусусан, оилавий тадбиркорларнинг ўз вақтида кредит олишини назорат қилиш, бу борадаги айрим му-

аммоларни бартараф этиш, янги масалага маҳаллий бошқарув ва ҳуқуқий идоралар эътибори ва кўмагини йўналтириш орқали амалга оширилди. Шунингдек, партияимиздан сайланган депутатлар томонидан ишлаб чиқаришга доир 50 га яқин лойиҳаларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида қузатилган камчиликлар Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга тақлифлар киритилди.

— ЎзМТДПда ҳар бир ташкилот ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланди. Шу нуқтаи назардан вилоят Кенгаши фаолиятига назар солаётган бўлсак, қандай камчиликлар кўзга ташланади? — Дарҳақиқат, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни вақтида бартараф этишни тақозо этади. Бугунги кунда партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг ОАВда ёритилишига етарли даражада эътибор қаратишяпти. Бундан ташқари айрим туманларимизда бошланғич партия ташкилотларининг тадбирлар уюштиришда сусткашликка йўл қўйётгани фаолиятимиздаги асосий камчиликлардан бири саналади. Айни пайтда мазкур ҳолатларни бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

Суҳбатдош: Камолiddин ХОТАМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Юксак ҳуқуқий маданият

ЮРИДИК ТИЗИМНИНГ ЕТУКЛИК КЎРСАТКИЧИ

Мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, нафақат демократик жамият пойдеворини мустаҳкамлашга, балки ҳуқуқий тизимни тадрижий ривожлантириш имконини яратмоқда. Ҳуқуқий маданиятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам мустақиллик қадрларини рўйбега чиқаришнинг ёрқин далилидир. Юртбошимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда "... токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади. Бугун одамларнинг дунёқароши, онги, тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди".

Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда". Шу боис янги сиёсий-ҳуқуқий воқелик шароитида Конституцияга киритилган тузастишлар ва қонунчилигимиздаги янгиланишлар моҳиятини тушуниб олиш қонун асосида амалга ошириладиган ислоҳотлар жараёнида ҳар бир шахснинг фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги "Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясини суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишнинг 6 бандига кўра бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олиб мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий тарғиботни тубдан яхшилашга йўналтирилган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" лойиҳасини тайёрлаш вазифаси белгиланган. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг янги тахририни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг аҳамияти ва

тарғиботнинг замонавий таъсирчан шакл ва усулларидан, ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Энг муҳими, аҳолининг, ҳуқуқий соҳа ходимларининг, маслаҳат бериш ва маърифий ишларни амалга оширувчи жамоат бирлашмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш устувор вазифа сифатида қаралмоғи шарт. Қолаверса, фуқароларга ҳуқуқий таълим бериш ва тарбиялаш, уларда қонунларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, қонунга итоаткор хулқ-атворни шакллантириш соҳасидаги ишларни самарали ташкил этишга нафақат сўзда, балки амалда эришишни таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Шунингдек, ҳуқуқий билимлар марказлари тармоқларини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантиришни, масофадан туриб ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган доимий руқнларни кўпайтириш, ушбу соҳага оид янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш йўли билан фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан эркин фойдаланишини кенгайтириш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни ҳал этиш қайд этилган миллий дастурни янги тахрирда ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Фуқароларнинг билим савияси ва ижро этиш масъулияти-

ларга берилиши, адвокатура институтининг янада ислоҳ этилиши, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қабул қилиниши ва бошқаларни амалга оширишда мамлакатимиз икки палатали парламентининг роли бениҳоя каттадир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътибор берилганлиги нақадар тўғри йўл бўлиб, ислоҳотлар

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътибор берилганлиги нақадар тўғри йўл бўлиб, ислоҳотлар ҳар бир шахснинг бахт-саодати ва келажагига қаратилганлигига ёрқин далилатдир. Бу мамлакатимиз эришган энг катта ютуқлардан бири, десак, асло муболага бўлмайди.

ҳар бир шахснинг бахт-саодати ва келажагига қаратилганлигига ёрқин далилатдир. Бу мамлакатимиз эришган энг катта ютуқлардан бири, десак, асло муболага бўлмайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятнинг демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиги бўлган

заруриятини бир қатор омилларга кўра тавсифлаш мумкин. Энг аввало, депутатлар корпуси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, маслаҳат бериш ва маърифий фаолиятни амалга ошираётган фуқаролик институтларининг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини, юксак ҳуқуқий онгини ошириш бўйича ишларни ташкил этишда фаолиятининг самарали мувофиқлаштириши таъминлаш зарур. Бундай кенг кўламли ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий тарбия ва

нинг ошиши, тегишли ташкилотлар мансабдор шахслари ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг янги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни инобатга олиб ишлаб чиқиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни амалга оширишда норматив ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

● МУРУВВАТ



"Меҳр нури"нинг яна бир тўхфаси

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ҚАРАТИЛДИ

Инсон ҳаёти, саломатлиги ҳамма нарсадан азият ва қадрлидир. Халқ ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда эл соғлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола саломатлиги, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Буларнинг барчаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир. Қолаверса, муҳтарам Юртбошимиз илгари сурган "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Шу боис мамлакатимизда давлат қудрати ва бойлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлган тиббиётни ривожлантиришга талай ташкилот ва муассасалар эътибор қаратмоқдалар.

"Меҳр нури" жамғармаси 2004 йилдан бери туғруқхона, поликлиника, мактаб, болалар боғчаси ва бошқа ижтимоий объектларни таъмирлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминланишига кўмаклашиш, иқтидорли ёшлар, тадбиркор аёллар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, ўзбек халқининг миллий қадриятлар, соҳават ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби қадимий анъаналарини тиклаш учун ҳисса қўшишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Республика онкология илмий маркази болалар бўлимининг реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилиши "Меҳр нури" жамоат жамғармасининг 2011 йилдаги соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик муассасаларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги фаолиятининг муҳим лойиҳасига айланди. Маълумки, республика онкология илмий маркази бо-

лалар онкология бўлими болалардаги саратон касаллиги соҳасида фаолият юритувчи Марказий Оқсўдаги етакчи муассасалардан бири ҳисобланади. У болалардаги хавфли ўсма-ларни аниқлаш ва даволашга ихтисослашган юртимиздаги ягона бўлим ҳисобланади.

"Меҳр нури" ташаббуси билан ҳомийлар ёрдамида 2011 йилнинг июнидан декабрь ойига қадар болалар бўлими биноси санитар қонун-қоидалар ва меъёрларга асосланган ҳолда замонавий тарзда тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. 50 ўринга мўлжалланган болалар бўлимининг янги биноси замонавий шарт-шароитдаги ўйин ва ўқув хоналарига эга бўлди. Уларга юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат ҳам кўрсатилади. Шунингдек, замонавий жарроҳлик бўлими, тезкор терапия ва реанимация бўлиmlари янгитдан қурилади. Барча бўлимлар керакли тиббий жиҳоз ва мебеллар билан

Уларни институт ректори М.Ҳожиёв Конституцияимизнинг 19 йиллиги ҳамда спортдаги ютуғи, жамоатчилик ишларидаги фаол иштироки, ўқишдаги ютуқлари ва намунали хулқи учун институтнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирлади. Касаба уюшмаси раиси Ш.Очилов эса уларга институтнинг эсдалик совғаларини топширди.

— Мен яқинда 1-курс талабаси бўлгандим, - дейди институтнинг Тўқимачилик ва енгил саноат факультети талабаси Голиб Мардонов. — Шу ёшимда иқтидоримни, билимимни намоиш этишга имкон берган институт таъмуриятидан жуда ҳам хурсандим.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● СЕМИНАР

Хотин-қизлар кўмитасида

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА СЎЗ БОРДИ


Юртимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат, энг аввало, хотин-қизларнинг истеъдод ва имкониятларини намоиш этиш учун қўлай шароит яратмоқда. Шу боис, айни пайтда хотин-қизлар фарзанд тарбияси билан шугулланибгина қолмай, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий жараёнларда ўз иштирокларини тўла-тўқис намоиш этмоқдалар.

си бошланғич ташкилотларининг фаолият мезонлари ҳақида сўз борди. Бугунги кунда маънавий муҳит соғломлигига путур етказётган турли ҳолатлар, аёллар ўртасидаги ноҳуш ҳоллар, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар, ёшларнинг муомала ва кийиниш маданияти борасидаги камчилик ва муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик фикрини кучайтириш мавзусига бағишланган семинарда жойларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кўмиталари раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва меҳнат фаоллигини ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, фан, таълим, диний маърифат ва хотин-қизларнинг маънавий манфаатларини муҳофаза

этиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун опа-сингилларимиз фан, таълим, соғлиқни сақлаш, диний маърифат, санъат, маданият ва спорт соҳаларида юксак натижаларга эришишмоқда. Шунингдек, жойларда репродуктив саломатликни асраш, оилаларнинг тиббий маданият даражасини юксалтириш, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириб бориладиган ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Ана шундай вазифаларни бажаришда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг 42 мингга яқин бошланғич ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. —Ҳар бир бошланғич ташкилот мактаб, коллеж, тиббий муассасалар, маҳалла идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради, - дейди Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Шаҳодат

Арслонова. — Биз ишимизни мактаб ва коллеж миқёсида олиб бормоқдамиз. Бунинг учун туманимиздаги мактабларда бошланғич хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилган. Бу ерда ёш қизларимиз ўртасида миллий қадриятларимизга ёт гоғлар ҳақида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, аёлларимизга юртимизда олиб бориладиган ислоҳотлар, қонун, қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти содда тилда тушунтирилади. Анжуманда хотин-қизлар кўмиталари тизимининг янада такомиллантиришга эришиш, уни энг халқчил ташкилотга ва мамлакат аёлларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш йўлидаги ҳаракатларини кучайтириш, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятининг мақсади, негизи, илдизлари, суянчи қайси омилларга туташини кўриб чиқилиб, шу асосда вазифалар белгилаб олинди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



● ТАДБИР


Ёшларга ғамхўрлик

КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИҚДИР

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Бухорода ташкил этилган маданий марказда Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишланган катта тадбир ўтказилди.

Тадбир факультетларо эстафетали югуриш спорт мусобақалари билан бошланди. Спорт беллашуви ниҳоясига етган, "Сиз эми, илдизлари, суянчи қайси омилларга туташини кўриб чиқилиб, шу асосда вазифалар белгилаб олинди.

бөөварларнинг Конституциямиз 19 йиллиги муносабати билан қилган маърузаларини тинглашди. Шундан сўнг, "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови давом эттирилди. Кўрик-танловдан олдин талабалар вилоят адлия бошқармаси бошлиғи У.Халилов, ҳуқуқшунос, меҳнат фахрийси И.Мардонов ва вилоят фуқаролик суди раиси М.Тожи-



Факультетда таълим олаётган талабалар ўртасида "Inter-continental", "Grand Mir Hotel", "Tashkent Palace" меҳмонхоналари ва «Ўзбекитуризм» миллий компанияси билан ҳамкорликда «Энг яхши стол сервиши» мавзусида мастер класс ўтказилиб келинмоқда. Ушбу маҳорат дарсларида талабаларнинг амалий санъатлари намоиш қилинади. Амалиёт чоғида тажрибали мутахассислар эксперт сифатида қатнашишади.

«Халқаро туризм» факультетида муҳим саналарга бағишланган турли тадбирлар ҳам ўтказилади. Мисол учун, ҳар йили 27 сентябрь куни «Халқаро туризм» кўни муносабати билан юртимиз меҳмонхоналари, туристик фирмалар ва турли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этиладиган фестиваллар кўпчилики бефарқ қолдирмайди.

Ўтган йили Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби Талеб Рифаи университетга ташриф буюриб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш истиқболлари ҳақида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Бу учрашув талабаларда катта таассурот қолдириб, соҳа

Миллий туризм истиқболлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда мамлакатда 782 та туристик корхона, 294 та меҳмонхона ва 450 га яқин туроператор фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва тақомиллаштиришга бағишланган тадбирларни ўтказишга катта аҳамият берилаяпти. Ўзбекистоннинг етакчи туристик ташкилотлари турли халқаро анжуманларда иштирок этиб, ушбу истиқболли йўналишдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ташаббуси билан алоқаларининг юқори даражада эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Товар ва хизматларни изчилик билан жаҳон бозорига кириб боришида сайёҳлик муҳим ўрин тутди. Бу жараёни амалга оширишда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун маляка кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Тошкент Давлат иқтисодий университетидида «Халқаро туризм» факультети ташкил қилинди.

Факультетда жами 58 нафар профессор-ўқитувчи бўлиб, улардан 8 нафари фан доктори, 15 нафари фан номзоди ва 35 дан ортиқ катта ўқувчи ва ассистентлар талабаларга турли фанлардан сабоқ бериб келишади, дейди «Сервис» кафедраси мудири Обиджон Хамидов. — Бундан ташқари, факультетнинг аксарият профессор-ўқитувчилари туризм ва сервис соҳалари бўйича Польша, Германия, Финляндия, Австрия, Испания ва бошқа бир қанча давлатларда малака ошириб келишди.

Факультетда ўқув жараёнининг ташкил этилиши хусусида декан Алишер Эштаев батафсил гапириб берди: — Билим даргоҳимизда Давлат таълим стандартлари асосланган намунавий ўқув дастурлари, тасдиқланган режа ва график асосида таълим жараёни ташкил этилган. Ҳар йили ишчи ўқув дастурлари мақсада мувофиқ янгиланиб борилади. Шунингдек, ўқув жараёнларини ташкил этишда дарсларни қизиқарли ва мазмунли қилиб талабаларга етказишда янги педагогик технологияларни турли усулларида фойдаланиб келинади.

Факультетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан турли фан йўналишлари бўйича тасдиқланган ўқув режаларида белгиланган дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган. Жумладан, «Халқаро туризм», «Туризм асослари», «Туризм иқтисоди» ҳамда «Меҳмонхона сервис» каби бир қатор дарсликларни шулар жумласига киритиш мумкин. Қолаверса, талабаларга «Туризм ва Ўзбекистон миллий мероси», «Экскурсияшунуслик»,

«Туризм индустрияси» каби фанлардан амалиёт дарсларини сифатли ва кўргазмали ўқиш мақсадида факультет қошида «Буюк ипак йўли» туристик комплекси барпо этилган. Мазкур комплекснинг жойлашган ҳудуди 2500 кв. метрни ташкил этган бўлиб, у ўзида жаҳон цивилизациясининг ривожига муҳим хисса қўшган, шарқнинг бебаҳо дурдоналари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги тарихий обидаларни муҳасса этган. Айтиш жоизки, комплекснинг яратилиши ташаббуси билан мароқли ўқиш билан бирга талабаларга мамлакатимиз ёдгорликларини тўлиқ тасаввур этиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, кўнча шаҳарлар тарихи бу фанда батафсил ўтилади.

Факультет бугунги кунда республикамизнинг нуфузли ташкилотларидан бири «Ўзбекитуризм» миллий компанияси, меҳмонхоналар ва бир қанча туристик компаниялар билан амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда. — Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган халқаро туристик ярмаркаларида ҳам факультетимиз талабалари фаол қатнашиб келишади. Ушбу ярмаркаларда факультетимизни бити-

Мамлакатимиз тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиши, уларни ёш авлод онгига етказиш ҳамда миллий меросимизни жаҳонга танитишда туризм соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

рувчи курс талабаларини иш билан таъминлаш, талабаларнинг амалиёт базаларини шакллантириш мақсадида меҳмонхоналар, туристик компаниялар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланади, - дейди А. Эштаев. — Хусусан, 2008 йили бўлиб ўтган халқаро туристик ярмаркада факультетимиз жамоаси туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича «Иллинг энг яхши олий ўқув юрти» номинациясида ғолиб бўлди.

Шунингдек, факультетда «Ark Osiyo», «Yasmina-Tour» туристик компаниялари билан ҳамкорликда иқтидорли талабаларнинг «DEBAT KLUUB»-и фаолият олиб бормоқда. Ушбу дебат клубида иқтидорли талабалар томонидан туризмни ривожлантириш муаммолари, уларнинг ечими, истиқболлари, Ўзбекистон туристик маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқиш йўллари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан таҳлил қилинади.



га бўлган қизиқишларини янада орттирди.

Факультетда амалиёт ходимлари билан биргаликда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида «Буш иш ўринлари ярмаркаси», яъни «карьера куллари» ҳам ўтказиб келинади. Жумладан, 2011 йил 2 апрелда шундай тадбирлардан бири «Ўзбекитуризм» МК билан ўтказилди. Бунда 30 дан ортиқ туристик компания, меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари қатнашди.

— Туризм соҳасининг кўп тармоқли хусусияти унда банд бўлган кишиларнинг катта малака-маҳоратини талаб қилади, - дейди «Ўзбекитуризм» миллий компаниясининг Кадрлар иши, ижро ва ҳужжатлар юритишни ташкил қилиш хизмати бошлиғи Карима Эгамбердиева. — Айни шу сабабли Ўзбекистон сайёҳлик сектори олдидан турган асосий вазифалардан бири мамлакат мазкур комплекснинг жаҳон туризм бозорига рақобатбардошлигини таъминлай оладиган профессионал туристик таълимнинг узлуқсиз таъминини тақомиллаштириш ҳисобланади. «Ўзбекитуризм» МК ўз навбатида туризм соҳаси учун кадрлар малакасини ошириш ва уларни

қайта тайёрлашга йўналтирилган Республика илмий-ўқув консалтинг маркази (РИУКМ) фаолият кўрсатиб келаёпти. Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиши, уларни ёш авлод онгига етказиш ҳамда миллий меросимизни жаҳонга танитишда туризм соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бебаҳо маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраб, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, изчиллик билан давом этаётган ишловлар юртимизда миллий туризм истиқболи порлоқ эканини яна бир қарра исботлади. Зеро, Ўзбекистон бой тарихий, меъморий мерос, миллий маданият ва анъаналарга эга.

Мафхуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

МАЪНАВИЯТ

● КЎРГАЗМА

«Қоракўл — табиат чизган нақшлар»

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ТУРКУМИДАН

Ўзбекистон амалий санъат музейи ҳамда «Ўзбекқоракўли» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги кўргазма табиат инъоми бўлган қоракўл терисининг минг йиллар давомида ўзбек халқ хунармандлари томонидан ишлов берилиб, уст-бош, интерьер ва бошқа санъат асарлари яратилишда кенг фойдаланилаётгани, ўзбек қоракўлининг тарихи ва ривожланиш жараёни, халқ хунармандчилигининг ноёб тури ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Хунарманд усталарнинг маҳорати сабаб қоракўлчилик ривож топиб бормоқда. Унинг бетакрор нақшлари, чиройи сабаб савдогарлар қарвонининг ноёб маҳсулотига айланган. Соҳанинг тарихчи ва мутахассислари фикрича, қоракўлнинг тарихий ватани Ўзбекистон ҳисобланади.

— VIII асрда араб истилочилари даврида қоракўл қўйларининг авлодлари келиб қолган, - дейди Ўзбекистон амалий санъат музейи ходими Сайёра Усмонова. — Ҳайвоннинг бу тури кейинчалик Урта Осиёда, айниқса, Хоразмда кенг

тарқалган. Х асрда яшаб ўтган араб географи Ибн-Хаулқал тери савдоси билан шугулланган. Орадан III аср ўтиб, машҳур сайёх Марко Поло манбаларида Урта Осиё қоракўл мўйнасининг аjoyиб жилоларини, нақшларидан ҳайратланганини қайд этади. XV асрда қоракўл терисини Бухородан Рус давлатига машҳур ёзувчи ва сайёх Афанасий Никитин олиб қиради. Урта асрларда бухоролик савдогарлар юмшоқ қоракўл териларини туяларда Буюк Ипак Йўли орқали Осиёёда Уртаер денгизига олиб ўтганлар. Европа мамлакатла-

рига бу маҳсулот айнан шу ердан тарқалган. Бухоро амирлигидаги савдогарлар қоракўл териларини Германия, Италия, Греция, Скандинавия мамлакатларида сотишган. XX асрнинг бошларида Туркistonдаги беҳаловат кунлар қоракўл қўйларини икки баробарга камайтириб юборди. — Ўзбек қоракўли майинлиги, иссиқлиги билан мени доим ҳайратга солган, - дейди Адолат Раҳматуллаева. — Бундай кийимлар хотин-қизлар, ҳатто, эркаклар учун ҳам доимо қимматбахо саналган. Ўзбек қоракўлининг яна бир устунлиги унинг ўзига хос товланишида, деб биламан.

Ҳозирги пайтда қоракўл териси Ўзбекистон, Афғонистон, Жанубий Африка, Туркманистон, Қозогистон, Ироқ, Руминия ва Молдавия каби давлатларда ишлаб чиқарилади. Айни пайтда қоракўл териларининг 60 га яқин тури мавжуд бўлиб, энг қимматбахо ва машҳурлари Ўзбекистон қоракўли ҳисобланади. Санкт-Петербургда Халқаро миқёсда ўтказилади-

ган аукционда ўзбек қоракўлининг юқори баҳоланиши бежиз эмас, албатта.

Қоракўл — мўйна тури бўлиб, қора рангдаси кўпроқ учрайди. Унинг бетакрор гули майин жуннинг гажагидан ҳосил бўлади. Жилваланиб туриши билан ҳар қандай кишини лол қолдирадиган қоракўл терисининг муносиби ўрин эгаллагани бежиз эмас. Кўргазмадан «Ўзбекқоракўли» компанияси ҳамда Бухоро қоракўл усталари томонидан яратилган аjoyиб кийимлар ўрин олган. Уларни томоша қилиш баробарида қоракўл тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларни ҳам билиш имкони мавжуд.

Адибахон ҒАЙПАТ қизи, «Milliy tiklanish» мухбири

● АНЖУМАН

Ижодкор ёшлар доимий эътиборда

Адабиёт ривожига эътибор кўрсатиш, устоз адиб ва шоирлар меҳнатини эъзозлаш, ёш истеъдод соҳиларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш давлатимиз раҳбари юртимиздаги адибларимизнинг эътиборида.

«Дўрмон» ижод уйида бошланган «Истеъдод мактаби» ёш ижодкорларнинг иккинчи республика семинарида ушбу жиҳатлар яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинар машғулотларининг очилишида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

«Истеъдод мактаби» ёш ижодкорларнинг республика семинаридан қўзланган асосий мақсад адабиётга ихлоси билан йигит-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, билим ва кўникмаларини ошириш, ўзбек ва жаҳон адабиётидаги жараёнлар билан кенгрок таништиришдан иборатдир.

Гулжаҳон Сейтназарова Қорақалпоқ Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олади. 2010 йилда «Келажак овози» республика кўрик-танловида бадиий ижод йўналиши бўйича муваффақиятли иштирок этган.

— Ўзбекистонимизда истеъдод соҳибларига алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижодини янги, янада юқори талаблар асосида йўлга қўйиш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларни кундалик фаолиятимизда доимо ҳис этиб яшашимиз, - дейди Г. Сейтназарова. — Ҳозиргача «Баҳорим келди», «Бахтли қизлар» сингари шеърини тўпламларим нашр этилди. Бундай ўқув машғулотлари устозлар, адабиёт намоёндалари суҳбатидан, маслаҳат ва ўғитларидан баҳраманд бўлиш, машқларимизни уларнинг назаридан ўтказиш, тенгдошларимиз фаолияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

● АНЪАНА


«Уста кулол»

УНИ ШУНДАЙ НОМ БИЛАН АТАШАДИ

— Хуш келиб-сизлар, - деди шошиб, унинг юзига қўйиб турган юзқўзларидан ўз касбидан мамнунигини сезиш қийин эмасди. Мўъжазгина цех саҳни саранжом-саришта бўлиб, тоқчаларга зарур асбоб-ускуна ва хунармандчилик буюмлари тартиб билан териб қўйилган эди. Уртада эса пиширилган лой уюми турарди. Лой — устанинг асосий хомашёси бўлиб, маромига етказилгач ганчан т ай ё р л а н г а н қолипларга қуйилди. Кейин ҳумдонда пиширилиб ишлов берилгач тайёрланажак буюмлар эҳтиётлик билан бирин-кетин чархда силликланди. Сўнгги босқичда буюмлар лакланиб бўёк берилгач янги кўриниш касб эта бошлади. Бу жараён ўта ноҳис ҳисобланиб, устадан ҳафала билан ишлаш, маҳорат ва тажриба талаб этилади, албатта. Биз кўз ўнгимизда тайёрланаётган хунармандчилик буюмларига диққат билан ҳунар коллежи)га етаклайди. У ўқув даргоҳида таҳсил олган машғулотлар давомида устозларидан рангтаъсир ва ҳайкалтарошлиқнинг узвий боғлиқлигини англаб етди. Бу ерда ўтказилган турли тадбир ва кўргазмаларда расм, картина ҳамда хунармандчилик буюмлари билан иштирок эта бошлади.

Файзулла Жўрабеков 1991 йили қўлга дипломини олгач, ўзи яшаб турган Жиззах шаҳар, «Санзор» маҳалласида кулолчилик цехи очди. Вақт ўтиши билан цех саҳни кенгайтирилиб, зарур жиҳозлар билан тўлдириб борилди. Аҳолидан бирин-кетин буюртмалар туша бошлади. Шу-шу маҳалладошлари, кўпчилик уни «уста кулол» деб қаҳирадиган бўлишди.

Кулолчилик цехига қадам қўяганимизда уста иш билан бўлиб, бизни пайқамай қолди. Кейин:



зулла Жўрабеков «Ташаббус — 2010» Республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаган. Шунингдек, уста кулол ҳар йили шаҳар ва вилоят бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, фахрий ёрлик ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирлаб келинади. — Ҳар бир буюртмани яхши ва сифатли бажарганимда кўнглим кўтарилиб, куни бўйи ўзимни енгил ҳис қиламан, - дейди Ф. Жўрабеков. — Энг муҳими, бажарган ишларим билан атрофдагиларга фойда келтириётганимдан хурсандман.

Ўз касбининг устаси Файзулла Жўрабеков яратётган хунармандчилик буюмлари, сурат ва картиналарини болажонларга совға қилишни ҳам ёқтиради. У биргина сўнгги икки йил мобайнида Жиззах шаҳридаги 6-«Ширин», 10-«Дустлик» номли МТМ тарбияланувчиларига қўғирчоқ ва ҳайкалчалар, 8-«Нихол» номли МТМ кичкинтойлари ҳамда 21-умумтаълим мактаби ўқувчиларига қўллаб-қувватлаш ҳамда картиналар совға қилди. Болажонлар ҳам вақти-вақти билан кулолчилик устaxonасида бўлишиб, касб ўрганишга ҳаракат қилишмоқда.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Ўтук ва малакали мутахассислар

ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассисларни тарбиялашда коллежимизнинг ҳиссаси катта. Коллеж маъмурияти ва ўқитувчилар жамоасининг асосий эътибори ўқувчиларга давр талаблари даражасида чуқур билим беришга қаратилган бўлиб, бу борадаги долзарб вазифани бажаришда асосий эътибор муҳандис педагогларнинг ўз устида тишимсиз ишлашига, уларнинг илмий педагогик салоҳиятини йилдан йилга оширишга, улар орасидан ёш ва истеъдодли, соҳани мукамал эгаллаган педагогларни шакллантиришга қаратилган. Бугунги кунда коллежда 95 нафар муҳандис-педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 1 нафари фан доктори, 3 нафари фан номзоди, 2 нафари доцент ҳамда 13 нафари олий тоифали ўқитувчилардан иборат.



Президентимиз раҳнамолигида касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, уларни замон талабларига мос ўқув техника воситалари билан жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, коллежнинг умумтаълим ва махсус фанлар лабораториялари, ўқув хўжалиги, ишлаб чиқариш устахоналари, ўртамахсус, касб-ҳунар таълими маркази Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити асосида қайта жиҳозланди. Буни амалга ошириш учун ҳукуматимиз томонидан 1 млн. 200 миң АҚШ доллар миқдорда маблағ ажратилди. Таълим тўғрисидаги қонун ва Қарлар тайёрлаш Миллий дастури асосида фаолият кўрсатаётган коллежимиз пойдевори бўлган ёшларга таълим-тарбия бериш ва касб-ҳунар сирларини ўргатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш, рақобатбардош ва вужудга келган муаммоларни ўз вақтида тadbиркорлик билан ҳал эта оладиган ўтук малакали мутахассислар тайёрлашдек олийжаноб, шарафли ва масъулиятли вазифаларни сийқидилдан бажаришга интилимсизликда.

Ҳозирги кунда коллежимизда ветеринария, қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, сўт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, хўжалик ҳуқуқи, кинология, транспортларда ташишни ташкил этиш ва бошқариш, электр энергетика, ахборот тизимлари ва техника йўналишларида 1460 нафар талаба тахсил олишмоқда. Коллежда олий ўқув юртли ва мазкур соҳа бўйича етакчи ишлаб чиқариш муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Самарқанд Давлат университети, Самарқанд вилоят "Ўзметасабзавот" бирлашмаси, Самарқанд вилоят статистика бошқармаси, Самарқанд вилояти "Қорақўл" бирлашмаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, "Саноат қурилиш банки", вилоят электр тармоқлари корхонаси, вилоят ветеринария бошқармаси ҳамда бир қатор ширкат хўжаликларини билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бу ҳужжат асосида олийгоҳларнинг қалқинган олимлари коллеж ўқитувчиларига услубий кўмак кўрсатмоқда. Педагогик жамоамиз вилоят ва республикадаги ижодий жамоалар билан ҳам муштакам алоқа ўрнатган.

Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд шаҳар опера ва балет театри, Каттақўрғон шаҳридаги Ўзбек миллий драма театри, Республика "Турон" ёшлар театр-студияси билан ҳамкорлигимиз ижобий самара бермоқда. Коллеж ўқувчи-ёшлари ва ўқитувчилари жамоаси учун доимий равишда ҳуқуқ тартибот органлари, ОИТС маркази мутахассислари, наркологи, мех-

ЖАРАЁН

ОГОҲЛИК

Энг қувончли шундаки, турли хил ва русумдаги автомашиналарнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Республикада жаҳон талабларига жавоб берадиган юк, микроавтобус ва енгил турдаги автомашиналар ишлаб чиқилиб, чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу қувонарли ҳолат, албатта. Одатда машина ҳайдаётган кишининг нияти кўзлаган манзилига тезда етиб олишдан иборат бўлади. Лекин шундай ҳайдовчилар борки, машиналарига иложи борича гард юқтирмайди.

Автомобиль

УНИ ЁНГИНДАН ЭХТИЁТ ҚИЛИНГ

Яна шундайлар ҳам борки, машина бўлганидан кейин уни фақат ҳайдаш керак, деб ўйлашади. Машинага миниб тезроқ ишхонага етиб олсалар бўлди. Ана шундай эътиборсизлик, бир кун келиб, кўнгилсизлик туғдириши мумкинлигига эътибор беришмайди. Маълумки, машинанинг асосий ҳаракатлангирадиган қисми — ёқилғиси. Ёқилғи, яъни бензин, дизель ва табиий газга салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса дарҳол ёниб кетишига олиб келади. Бундай пайтда ҳайдовчининг машинасида ёнғин ўчиргич бўлса бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айланиши ҳеч гап эмас. Ёки машинанинг техник кўрик муддатидан анча ўтган бўлса, унинг электр қисмлари қизиби кетиши натижасида, қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

автоуловнинг мотор ва салон қисмлари ёниб, зарар кўрган. Шу кун Тошкент шаҳар Миробод тумани, Туркистон тезроқ ишхонага етиб олсалар бўлди. Ана шундай эътиборсизлик, бир кун келиб, кўнгилсизлик туғдириши мумкинлигига эътибор беришмайди. Маълумки, машинанинг асосий ҳаракатлангирадиган қисми — ёқилғиси. Ёқилғи, яъни бензин, дизель ва табиий газга салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса дарҳол ёниб кетишига олиб келади. Бундай пайтда ҳайдовчининг машинасида ёнғин ўчиргич бўлса бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айланиши ҳеч гап эмас. Ёки машинанинг техник кўрик муддатидан анча ўтган бўлса, унинг электр қисмлари қизиби кетиши натижасида, қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Масалан, 2011 йил 3 август кун Қашқадарё вилояти Яқкаб тумани Хисор ф/у худудидан ТМ-39 Тошкент-Термиз" йўлининг 420 км.да ҳаракатланиб кетаётган, Шахрисабз туманида яшовчи В.Сайидназаров бошқарувидаги "УАЗ-452" русумли автоуловда носоз электр симларининг қисқа туташуви натижасида автоуловнинг мотор ва салон қисми ёнган. Автомобиль эгаси В.Сайидназаров қуйиш нонушта қилиб, чала-ярим олишаркан. Улар учун дарс энг зерикарли машғулот эмиш. Нега деганда, ўқитувчилар уларга ҳадеб янги топшириқлар бериб, эскисини сўрайверармиш. Тушлик учун 25 дақиқалик катта танлафус пайтида тезпишар, "гамбургер" деб аталадиган емишни тановул қилиб, отаналаридан овқат учун олинган пулга дарс тугаган пайтда бошлаб, то кечки 17:00 гача қарийб уч соат мобайнида "мириқиб" компьютер ўйнаш билан вақт ўтказишар экан. Кечкурун уйга қайтиб келиб, енгилгина тамадди қилиб, ўқитувчиларидан танбех эшитмаслик учунгина қўл учидан уй вазифасини тайёрлашаркан. Бу ҳам майли. Кечкурунлари отаналар фарзандлари билан диллашиб, унинг онгида, саломатлигида, феъл-атворида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганини ўрганиб, башарти психологик, тиббий ёки маънавий ёрдамга эҳтиёжи бўлса, бунинг ўз вақтида кондириб, келажак учун хайрли ишни амалга ошириш ўрнига биргалашиб сериаллар кўришини қандай изоҳлаш мумкин?

2011 йилнинг 10 октябрь кун Сирдарё вилояти Боёвут шаҳарчаси, Фарҳод кўчасида яшовчи А.Акмалов бошқарувидаги «Оре!» русумли автоуловда носоз электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, автоуловнинг салон қисми ва олдинги 2 та шинаси ёниб, зарар кўрган. Афсуски бундай мисолларни кўглаб келтириш мумкин.

Агар таҳлилларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикада автомашиналар билан боғлиқ ёнғинлар сони 451 тани ташкил этиб, оқибатда 36 нафар фуқаро турли даражадаги тан-жароҳати олган. Фуқароларга жами 880 млн. 379 миң 721 сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Ёнғинларнинг деярли барчаси автомашиналардаги электр симларининг носозлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабабли содир бўлган.

Бунинг учун ҳар бир ҳайдовчи ўзига тегишли бўлган автомашинани вақтида махсус устлар кўригидан ўтказиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса ҳамда машиналарда ёнғин ўчиргичлар олиб юрсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

У.АКРОМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси ИИБ ЁХББ
ТВФНЭБ катта
муҳандиси, майор

Осойишталикни таъминлаш йўлида

Мамлакатимизда аҳоли тинчлигини ва осойишталикни муҳофаза қилишга, хусусан, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш юртимизда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бунда ички ишлар идораларининг, жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизмати-нинг муҳим ўрни бор. Айниқса, байрамлар арафасида ушбу хизмат зиммасидаги масъулият янада ортади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида мазкур даргоҳ ва Яқкасарой туман Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда назорат ва тушунириш ишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳозир корхона, му-

ассаса ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Аҳоли орасида ўтказилаётган кенг қамровли тушунтириш ишлари ҳамда профилактик тадбирлар натижасида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар камайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг куч ва воситаларини марказлашган ҳолда бошқариш, жойлардан тушаётган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида масъули ходимлардан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзал, деган ҳикमत соҳа ходимларининг шиориға айланган. Бу тушунириш юртдошларимиз онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар, шунингдек, корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирокида тарғибот-ташвиқот ишларини изчил давом эттирмоқда.

Тадбир иштирокчилари ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Даврон КОДИРОВ,
Яқкасарой тумани
21-ХЕҲК смена бошлиғи,
капитан

БУНЁДКОРЛИК

Йўллар иқтисодиётимиз таянчи, юртимизнинг кўрки, чиройидир. Мустақиллик йилларида юртимизда йўл қурилиши соҳасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бера оладиган, текис ва равион йўллар, ҳақиқий санат намунасига айланган маҳабатли кўприклар кишини лол қолдириб, юракларга бир олам гурур бағишлайди. Мамлакатимизда йўл қурилиши соҳасидаги бунёдкорлик ишлари бугун ҳам давом этмоқда.

Миллий автомагистрал — юрт кўрки

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 29 апрелдаги "2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида юртимиз худудларини бирлаштирувчи ягона транспорт тизимини замонавий йўл-коммуникациянинг барча талабларига жавоб берувчи халқаро андозларида бунёд этиш қатъий вазифа этиб белгиланган. Айни кунда мамлакатимиз йўлсозлари томонидан "Оҳангарон-Гулистон" йўналишидаги миллий автомагистралда катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилаёпти. Янги автомагистрал жаҳон андозлари асосида барпо этилмоқда. Қурилиш ишларига энг малакали йўлсозлар жалб этилган.

"Оҳангарон-Гулистон" йўналишининг 61 километрида азим Сирдарё дарёси узра улкан кўприкни бунёд этиш ишлари қизгин бормоқда. Пойтахтдаги кўприк қурилиш трести бунёдкорлари томонидан барпо этилаётган мустаҳкам ва маҳабатли иншоот киши эътиборини ўзига тортади. Эни 14 метр, узунлиги 277 метрга тенг бу янги кўприкдан тўрт йўлакли автомобиль йўли ўтади. Иншоот республикамизнинг жанубий фарбий худудлари бўйлаб ҳаракатланаётган енгил ва юк автомашиналари учун катта қулайлик ва шарт-шароит яратяпти.

Мазкур иншоот қурилишига республика йўл жағамармаси ҳисобидан 9 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилган. Йўлсозлар янги кўприк қурилишини қисқа фурсатларда ниҳоясига етказишга қарор қилишган. Сирдарёда қурилаётган бу янги иншоот юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиб, халқимизнинг манзилини яқин, юқини енгил қилиши шубҳасиз.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири

МУЛОҲАЗА

Бола азиз

ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Ота-боболаримиз "Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақидир", деб бежиз айтмаган. Истиқлол шарофати билан ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Бугун пойтахтимиздан тортиб, мамлакатимизнинг энг чекка худудларигача жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган спорт комплекслари, ёшлар ижод марказлари, турли фанларга ихтисослашган тўғарақлар ишлаб турибди. Бугун ёшларимиз ўз иқтидорларини юзага чиқаришлари учун ҳам моддий, ҳам маънавий рағбат, шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Лекин...

Яқинда хизмат тақозоси билан пойтахтимиздаги компьютер клубларидан бирига бордим. Эътибор бериб қарасам, икки гуруҳга бўлиниб олган ўндан ортик мактаб ёшидаги болалар айна дарс вақтида бир-бирлари билан ур-сур ўйинлардан завқ олишаётган экан. Клуб эшигига катта қилиб: "Мактаб ўқувчиларининг дарс вақтида кириши тақиқланади", деб ёзиб қўйилганига қарамай болаларнинг парволи палак. Шу пайт электр тизимида фавқулодда носозлик чиқиб, чироқ ўчиб

қолди. Бирданига мижозлар томонидан ҳеч қандай маънавий-ахлоқий нормаларга тўғри келмайдиган сўзлар айтилиб, сигаретлар чекила бошланди. Зумда ҳаммаёқ тамаки тутунига тўлди. Жой хизматчиси эса мижозлардан минг бор узр сўраб, бироз қутиб туришларини илтимос қилди.

Мактаб ёшидаги айрим болаларнинг энг бебаҳо вақти ана шундай жойда ўтаётганини кўриб, очиги дилим оғриди. Наҳотки ана шу болаларнинг ота-оналари жондан азиз фар-

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» Масъулияти чекланган жамияти

2012 йил 13 январь кун очик аукцион савдоларини ўтказяди. Савдоларга Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 11-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармасининг автохўжалиги тасарруфидида 1995й. и.ч. д/р 01/423 PPP ва 01/349 PPP, бошлангич нархи 4 392 070 сўмдан бўлган иккита ҳамда д/р 01/309 PPP бошлангич нархи 3 973 777 сўм бўлган битта "Супер-салон" русумли авто-транспорт воситалари кўйилади. Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Бюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 физиз миқдорда за-калат пули "TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека-банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 физиздан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мазкур авто-транспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда 2012 йилнинг 19, 26 январь кунлари ўтказиладиган савдоларга тақоран қўйилади. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган кўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин. Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Суд департаменти Тошкент вилоят Бошқармасига қарашли

д/р 10BE252 бўлган "Нексия" - 10 800 000 сўмга; д/р "UNICON.UZ" ДУК тасарруфидидаги д/р 01 186 GAA бўлган "Ласетти" - 26 000 000 сўмга; "Давлат белгиси" ДИЧЕ Тошкент Босма фабрикасига қарашли д/р 01 326 YAA бўлган "Темпра-SX-A" - 3800000 сўмга, д/р 10AV410 бўлган "ПА3-3205" - 5 200 000 сўмга, д/р 10AA403 бўлган "Ниссан" - 4100000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини Ишлар Бошқармаси УЖКМХ Бошқармасига қарашли д/р 01/514 PPP ва д/р 01/523 PPP бўлган иккита "Дамас" хар бири 4 300 000 сўмдан, д/р 01/534 PPP бўлган "Дамас" - 4400000 сўмга, д/р 10AG248 бўлган "ЗИЛ-431412" - 9400000 сўмга, д/р 01/526 PPP бўлган "Дамас" - 3 890 000 сўмга, д/р 01/263 LAA бўлган "Лабо" - 4050000 сўмга, д/р 01/261 LAA бўлган "УАЗ-3303-01" - 3 450 000 сўмга; "Ўзбекистон" нарийёт-матбаа ижодий уйига қарашли д/р 10AK386 бўлган "ГАЗ-3110" - 5 000 000 сўмга; "Магнит" комбинатида қарашли д/р 10411 PAA бўлган "Нексия" - 4 950 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ**

**“Йил
аёли – 2011”**

Жиззах шаҳридаги «Само» тантаналар мажмуасида «Йил аёли – 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда аёлларнинг турли соҳаларда эришган ютуқлари, оилани мустаҳкамлаш, баркамол авлод тарбияси, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш билан боғлиқ шахсий фазилатларига алоҳида эътибор қаратилди. Жиззах шаҳридаги тикувчилик корхонасининг модельер-дизайнери Нозима Тугалова голибликни қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш учун йўлланма олди.

**Зулфия
қизлари**

Гулистон шаҳар 2-сонли болалар санъат мактаби биносидан **Зулфия мукофотининг вилоят босқичи ўтказилди.**

Унда вилоятнинг 40 нафардан зиёд Зулфияхоним қизлари иштирок этишди ва қўйидаги йўналишлар бўйича 1-ўрин соҳибалари аниқланди. Шунга кўра, Лола Шодикулова — маданият, Дилобар Жумабоева — санъат, Лобар Убайдуллаева — адабиёт, Дилдора Отакулова — фан, Назира Қўчқорова — таълим йўналишларида голибликни қўлга киритишди.

**Мини
футбол**

“Эшлик” талабалар шаҳарчасида “Аждодларга муносиб авлод бўлайлик” шиори остида **мини футбол бўйича мусобақа ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган мини футбол мусобақасида ҳудуддаги таълим муассасалари талабалари, 6 та умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари иштирок этди. Шунингдек, беллашувда нафақат ўқувчи-талабалар, балки спортга қизиқиб, бўш вақтларида спорт тўғрисида қатнашиб келаётган маҳалла ёшлари ҳам фаол қатнашишди. Натижаларга кўра, Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби жамоаси голиб деб топилди.

КЎЗГУ

НИГОХ

Тоғли ҳудудларда саёҳат қилиб, одамлар англай олиши қийин бўлган гўзалликни асарларида муҳрайди-ган Дилором Мамедова энг сермахсул ижодкорлар сирасига киради. У билан суҳбатлашсангиз чизган тоғ манзаралари, зилол сувлар, сиз ва биз илгамайдиган ажойиб ҳолатлар ҳақида қизиқарли маълумотларни айтиб беради. Яратаётган асарининг жой тарихи билан албатта қизиқади.



— Илк чизган суратингизни эслайсизми?

— Албатта. Ушанда ёшгина кизалоқ эдим. Онам мойбўёқ сотиб олиб келдилар. Шошапиша падвалга тушиб ДСП доска топдим. Ва табиат манзарасини чиза бошладим. Негадир суратим ўхшамади. Ранглари қалин, тўқ чиқди. Кейин билсам бўёқга аралашма қўшиш керак экан.

— Ота-онангиз расм бўлишингизга қаршилиқ қилишмаганми?

— Дадам бу касбни жуда ёқтирдилар. Аммо аёл киши бу касбни давом эттириши қийин бўлади деб, “сен шифокор бўласан” дердилар. Уни верситетга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганимдан сўнг индашмади. Кейинчалик эса чизган картиналаримни кўриб ота-онам оқ фотиҳа беришди.

— Устозларингиз ҳақида гапирсангиз?

— Н.Кўзибоев, А.Нур, Р.Аҳмедов, Б.Бобоев, А.Мирзаевларни устозларим деб биламан. Уларнинг ҳар биридан нимадир ўрганаман.

16-17 ёшли Дилором Мамедова расм Исфандиёр Ҳайдаровни ёшлигидан ўзига устоз деб билган. Аммо бу расм билан учрашиш унга насиб этмаганди. Орадан 15 йил ўтиб, кунлардан бир кун телефон жиринглаб, Дилоромнинг гойибона устози Тошкентга келганини ва у билан кўришмоқчи эканини айтишди.

— Бу мен учун кутилмаган воқеа эди. Улар билан учрашиш бахтига муюссар бўлдим. Асарларимни кўрсатдим. У киши ижодимга юқори баҳо бердилар. Мен бир нарсасига амин бўлдим. Агар сен кимни-

**Қишда ҳам қуёшни
топиш мумкин**

дир устоз билиб, унинг ижодидан ўргансанг, тинмай меҳнат қилсанг, ўша инсон сени ўзи қидириб топади. Фақат бунинг учун тинмай изланиш, устозлардан олинган билимни ўз ўрнида қўлайли олиш лозим.

— Аёл — расм — она...

— Жуда қийин. Бир қўлимда фарзандимга овқат бериб, бир қўлимда расм чизган вақтларим ҳам бўлган. Сабаби вақт оқарув, бир кун ижод қилмасам ниманидир йўқотдим ҳисоби.

— Фарзандларингиз Гўзал ва Исфандиёрни бўлажак расмлар дейиш мумкинми?

— Улар менинг биринчи танқидчиларим. Гўзал бўлажак санъатшунос, Исфандиёр эса бўлажак бизнесмен. Устозим Исфандиёр ака ўғлимнинг исмини билиб роса хурсанд бўлдилар. Фарзандларим қайси касбни танлашмасин, ўша соҳада ўзларини топишса дейман. Сабаби инсон ўзи меҳр қўйган касби билангина яшай олади, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Расмнинг “Йўлда”, “Ховуз”, “Баҳор келди”, “Дарё”, “Дала” асарларини томоша қилсангиз беҳиётёр хаёлга толасиз. Сиз ҳам бир неча бор Бурчмулла,



Оқтош томонларда бўлгансиз, Чирчиқ сувининг ёнидан ўтгансиз, аммо ўша сувларнинг ҳануз чилик мусавфо ва кишига ҳузур бахш этувчи нимасидир борлигини сезгансизми? Расм ўз асарларида табиатимизнинг гўзал манзараларини очиб бера олган. Қуёшни севувчи мусавир сарик рангини ёқтиради.

— Ҳатто қишда ҳам қуёшни топса бўлади, - дейди у. — Деярли ҳар кун йўналишимни ўзгаришаман, аммо сарик севимли рангим бўлиб қолаверади.

Фалсафий мазмундаги “Умр ўтар”, “Дўппилар” (графика) асарлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. “Остона” (Лангар қишлоғи), “Йўлда” (Кул қишлоғи), “Очиқ эшик”, “Қишлоқлик киз”, “Ховли”, “Сомон” асарлари эса расмнинг чекка ҳудудларимиз, маҳаллий аҳоли ҳаёт тарзи, табиат манзараларини акс эттиришга бўлган қизиқиши, меҳрини ифода қилади.

— Қишлоқ, маҳалла

манзаралари, ҳовли-жой, ўчоқни чизиши ёқтирмаман, - дейди у. — Қишлоқларда ўзгача сеҳр бор. Шу сеҳрни расмларда муҳрагим келади. Сабаби расмимни халқ дидини тарбияловчи мураббий деб биламан. Йўлда кетаётган бирон гўзалликни пайқадимми, ўша ернинг ўзида расм чизаман.

“Всемирный каталог художников”да ўзбек расмини Дилором Мамедованинг Хива кўриниши тасвирланган “Қуёшли шаҳар” ҳамда “Хива” асарлари киритилган. Россияда чоп этилган каталогларда ҳам Дилором Мамедова ижодидан намуналар бор. Юртимизда унинг ўндан ортиқ кўргазмаси ташкил этилган.

Дилором Мамедова Россияда ўтган “Дунё халқлари санъати” (2002, 2008), Фонд Форум томонидан Москва ва Кохирада ташкил этилган Ўзбекистон тасвирий санъат фестивали (2004), Хитойда ўтказилган Биеннале (2009) қатнашчиси.

Унинг ишлари Фонд Форум Миллий санъат маркази, Ўзбекистон Куролли Кучлари музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Бадий академиянинг марказий кўргазмалар зали, Иқо Хирояма номидидаги Халқаро маданият карвонсаройи, “Навқирон Ўзбекистон” аънавий ва замонавий санъат фестивали доирасида ҳам намойиш этилган.

— Кундан-кун юртимиз гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда, - дейди расм. — Бўлаётган ўзгаришларни чизиб улгурмайман. Яна кетма-кет кўргазмалар ташкил этилмоқда. Ҳозир фақат меҳнат қилиб, янги асарлар яратиш вақти. Бу даврдан унумли фойдаланишим керак. Сабаби келажак авлодга янги, ўрганиш мумкин бўлган, миллийлигимиз уфуриб турувчи асарларни қолдирсам дейман.

Адиба ФАЙЗ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

ЎГИТ

Жўмард еса бегонаю хеш ташвишини,
Номард эса ўйлайди фақат ўз ишини.

Бир кимсани(нг) кўнглини олиш мақсадида,
Ўзга кишини ранжитиш беъмани жуда.

БИЛАСИЗМИ?

Ўртача муз тоғининг оғирлиги 20 миллион тоннага етади.

Кир қор тозасига нисбатан секинроқ эрийди.

ТУРФА ОЛАМ

Антиқа кўргазма

ИСПАНИЯНИНГ БИР НЕЧА ШАҲАР КЎЧАЛАРИДА УЛКАН ПОЙАБЗАЛЛАР КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ.



Манбада келтирилишича, кўргазмада 24 та намунадан иборат туфли ва ботинкалар қатнашади. Ушбу у пойабзалларни бемалол санъат асари, дейиш мумкин. Чунки, моҳир расомлар уларни шу даражага етказиш учун бир неча ой тер туқилган. Кўргазмага қўйилган улкан пойабзаллар бўйига 2,4 метр, энига 2,1 метр бўлиб оптик тола ва полиэстер каби хомашедан ясалган. Бу каби антиқа кўргазма яқин кунларда Франциянинг Лион шаҳрида ҳам бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Замонавий велосипед

GUCCI АФСОНАВИЙ САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА ЭНДИ НАФАҚАТ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР, БАЛКИ ВЕЛОСИПЕД ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНАДИ.



Айни чоғда ушбу мода уйи Bianchi фирмаси ҳамкорлигида велосипедларнинг иккита эксклюзив моделини яратган. Улардан бири шаҳар чеккасида, иккинчиси эса сершовкин шаҳар кўчаларида харакатланиш учун мўлжалланган экан. Мутахассисларнинг гапига қараганда, Gucci велосипедлари ўта мустаҳкам ва чидамли хомашедан ясалган бўлиб, замонавий велосипед ишқибозларига асқотувчи зарурий аксессуарлар — махсус қалпоқ, қўлқоп ва сув сақлайдиган пластик бутилка билан жиҳозланган.

Ўзун сочли аёл

ХИТОЙЛИК 55 Ёшли ни Линмей исмли аёлнинг Сочи 14 йил ичида салкам 2,5 метрга етган.



Икки фарзанднинг онаси мамлакатнинг Шаньси провинциясида истиқомат қилади. Линмейнинг айтишича, бундай соч парвариши учун унга ҳар кун бир неча соат керак бўларкан. Бундай сочлар кўпчилигининг ҳавасини келтириши тайин. Яқинда Линмей мутахассислар таклифини инобатга олган ҳолда Гиннеснинг рекордлар китоби маъмуриятига мурожаат қилди. Агар аёлнинг рекорди расман тан олинса, у дунёдаги энг узун сочли аёл, дея қайд этилиши турган гап.

Фойдали “хот-дог”

ОЛИМЛАР ЯРИМТАЙЁР ЕГУЛИКЛАР СИРАСИГА КИРУВЧИ “ХОТ-ДОГ”НИНГ МУТЛАҚО БЕЗАРАР ХИЛИНИ ЯРАТИШДИ.



Бунинг учун улар “хот-дог”даги сосиска таркибида мавжуд ҳайвон ёғини зайтун мойига алмаштириш заруригини таъкидлашмоқда. Негаки, “хот-дог”даги колория миқдорини оширадиган ҳам айнан сосиска экан. Қолаверса, сосисканинг зичлигини таъминлаш мақсадида олимлар казеин қўшимчасидан фойдаланишни тавсия этишмоқда. Демак, олимларнинг юқоридаги тавсиясига кўра тайёрлаган “хот-дог” соғлиқ учун мутлақо безарар бўлиши мумкин.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси УЗМТДП Янгиобод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сабоҳат Абдурахмоновага онаси

МАЙРАМОЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

МУСИҚА

Ватанимиз истеъдодлари

Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида “Ватанимиз истеъдодлари” номи концерт дастури бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Меҳрибонлик ўйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари иштирок этди. Мамлакатимизда ёш иқтидор

соҳибларига кўрсатилаётган эътибор самараси ўлароқ, ўғил-қизларимиз республика ва халқаро миқёсдаги ижодий танловлар, концерт ва фестивалларда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда В.Успенский но-

мидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўқувчилари Франция, Германия, Италия, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда ўтказилган ўттиздан ортиқ халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашишди.

“Ватанимиз истеъдодлари” концертида “Янги авлод – 2011” болалар ижодиёти фестивали-

нинг голиблари, бадий жамоаларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Концертда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари, ёш истеъдодли мусиқачилардан ташкил топган “Шодиёна” оркестрининг чиқишлари йиғилганларга бирдай манзур бўлди. Оркестр иштирокчилари ўзбек халқ тароналари билан бирга Г.Ровланднинг “Токката”, Э.Моррикенин “Чи-Май” сингари хорижий тароналарини ижро этиб, ўзбек халқ чолғулари ҳар қандай куйларни ижро этишда қўл

келишини исботлашди.

— Мусиқа билан шуғулланиш менга жуда ёқади, - дейди “Янги авлод-2011” болалар ижодиёти фестивали голиби Артём Шосаидов. — Шу боис ҳам мазкур фестивалда иштирок этишга қарор қилдим ва финалга йўлланма олдим. Бугунги концерт менга жудаям ёқди. Мусиқа академик лицейида яратилган шарт-шароит ва имкониятлар мени ҳайратга солди. Бу ерда қўлаб дўстлар орттирдим ҳамда устозларнинг мастер-класс дарсларига қатнашдим.

Азима ҚИЁСОВА,
“Туркистон-пресс”